

## Хайр-эҳсон ҳам савдогарнинг бир одоби



13:30 / 21.07.2021 2651

*Савдогарларнинг одобларидан бири савдо молидан хайр-эҳсон қилиб туришдир.*

*Қайс ибн Абу Фарза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида даллол деб номланар эдик. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимиздан ўтдилар ва бизларни ундан яхшироқ исм билан номладилар: «Эй тожирлар жамоаси! Албатта, савдода беҳуда нарса ва қасам ҳозир бўлади. Бас, уни садақа ила аралаштиринглар», дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилишган.*

Тожирлар иш давомида билиб-билмай турли беҳуда гап-сўзларни айтиб ёки ишларни қилиб қўйишлари, ҳатто қасам ичишлари ҳам мумкин. Шунинг учун улар тез-тез садақа бериб туришлари, яъни бу ишларини ювиб туришлари керак.

Яхшилаб эслаб қолиш керакки, мазкур садақа фақатгина беҳуда гап-сўз ва қасамлар эътиборидан, холос. Тожирнинг қилган садақаси унинг алдамчилигини, ҳаромхўрлигини ювиб юбормайди. Бу ҳақиқатни ҳар бир тожир яхши англаб етмоғи зарур.

***“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан***